

## ПРЕСС-РЕЛИЗ

### Acted Марказий Осиёда/Ўзбекистонда зўравонлик хавфи остида бўлган ва зўравонликка учраган аёлларни қўллаб-қувватлашни таъминлайди

**Тошкент, 2024 йил 7 март:** Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Actedнинг Ўзбекистондаги Филиали Ўзбекистон ҳукуматини Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш, аёллар ҳуқуқларини ва хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш борасида амалга ошираётган кенг қўллаб-қувватлаш ислохотларини чуқур эътироф этади. Шунингдек, Acted барча ривожланиш бўйича ҳамкорлар, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва давлат ташкилотларига аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлашни молиялаштираётганлари ва охири оқибат мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшаётганлари учун, айниқса, ўз ҳаётини ўзгартиришга иштиёқли аёлларимизга ўз миннатдорчилиги ва ҳурматини билдиради. Acted Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) ва Швейцария Тараққиёт ва Ҳамкорлик Агентлигининг (SDC) молиявий кўмагида, **“Марказий Осиёда/Ўзбекистонда зўравонлик хавфи остида бўлган ва зўравонликка учраган аёлларни қўллаб-қувватлашда фуқаролик жамияти салоҳиятини кучайтириш”** лойиҳасини Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларида амалга ошириб келади.

Бутун дунё бўйлаб ҳар уч нафар аёлдан бир нафари, жабрланганлигини таъкидланади<sup>1</sup>. Марказий Марказий Осиёдаги аёлларнинг 18 фоизи ҳам умри давомида зўравонликка дучор бўлган<sup>2</sup>. Гендер асосидаги зўравонлик инсон ҳуқуқларининг энг кенг тарқалган бузилиши бўлиб, унинг олдини олиш зарур.

Лойиҳа фаолияти қўйидаги учта мақсад устида иш олиб боришга қаратилган бўлиб, қонунчилик базасини такомиллаштириш, аёлларни қўллаб қувватловчи ташкилотлар фаолиятини кучайтириш ва янада адолатли ижтимоий нормаларни илгари суриш учун:

- Давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти ва маҳаллий ҳокимият органларини фаоллаштириш орқали гендер бу борадаги ҳуқуқий ва сиёсий асосларни мустаҳкамлаш;
- Оилавий зўравонликдан жабрланганларга комплекс ёрдам кўрсатиш ва иқтисодий имкониятларини кенгайтириш. Бундай кўмак хабардорликни ошириш, тиббий, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий маслаҳатлар; техник ва касбий тренинглари, кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш ва бизнес грантларини ўз ичига олган иқтисодий имкониятларни кенгайтириш фаолияти;
- Маҳаллий адвокация, маълумот етказиш ва хабардорликни ошириш кампаниялари орқали гендерга асосланган оиладаги зўравонликнинг олдини олиш учун жамиятда гендер тенг ижтимоий нормалар, муносабатлар ва хатти-ҳаракатларни тарғиб қилиш. Масалан, Acted ижобий оталикни тарғиб қилиш мақсадида эркаклар ва зўравонлар ўртасида хабардорликни ошириш кампанияларини ташкил қилди.

Ушбу учта ўзаро боғлиқ аниқ мақсад жамиятнинг турли қатламларида гендер асосидаги оилавий зўравонлик муаммосини тизимли ҳал қилиш орқали барқарор ўзгаришларни яратишга қаратилган.

Лойиҳанинг бевосита бенефициарлари иккита алоҳида гуруҳга ажратилган. Биринчиси, оиладаги зўравонликдан жабрланган 7,000 дан ортиқ аёл ва қизлар гуруҳи. Иккинчиси, 30 та фуқаролик жамияти ташкилотлари, 50 та давлат ташкилотлари, 102 нафар маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари, 14 та аёлларни Реабилитация ва адаптация қилиш марказлари, 25 нафар ички ишлар ходимлари ва 23 нафар

<sup>1</sup> <https://www.unwomen.org/en/what-we-do/ending-violence-against-women/facts-and-figures>

<sup>2</sup> <https://blogs.worldbank.org/europeandcentralasia/gender-based-violence-affects-20-women-eca-costing-countries-billions-dollars>

хусусий сектор раҳбарлари, 170 нафар давлат органлари ҳамда 150 нафар фуқаролик жамияти ташкилотлари иборат “институционал бенефициарлар” гуруҳидан иборат. Лойиҳанинг билвосита бенефициарлари мақсадли ҳудудлар ва туманлардаги маҳаллий жамият аъзолари бўлиб, мақсадли туманларда 200,000 дан 600,000 гача маҳаллий аҳоли истиқомат қилиб келади.

Ўзбекистонда, Acted **Фарғона ва Сурхондарё** вилоятларининг “**Аёл ва Шодлик**” ва “**Меҳржон**” миллий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизларга ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий ва психологик маслаҳатлар кўрсатиш, хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан хабардорлигини ошириш, касб-ҳунарга ўқитиш, аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятларини бошлашларида қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Acted лойиҳалар координатори Шахноза Джаббарова шундай дейди: “Лойиҳанинг ютуқларидан келиб чиқиб, биз молиялаштирувчи ташкилотлар ҳамжамиятини бундай лойиҳаларни молиялаштириш орқали аёлларга сармоя киритишни давом эттиришга ундаймиз, чунки бунга катта эҳтиёж мавжуд. Бу аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, уларни касбга тайёрлаш ва ривожлантиришга инвестиция киритиш имконини беради. Шу билан бирга бу ҳимояга муҳтож бўлган аёлларга ёрдам кўрсатадиган ташкилотлар салоҳиятини кучайтиришга ҳисса қўшади. Аёлларнинг ҳуқуқларидан хабардорлигини ошириш, уларнинг жамиятда иштироки ва овозларини таъминлаш орқали жамиятда қашшоқликка барҳам бериш жуда муҳимдир”.

Actedнинг Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) ва Швейцария Тараққиёт ва Ҳамкорлик Агентлигининг (SDC) томонидан молиялаштирилаётган, “*Марказий Осиёда/Ўзбекистонда зўравонлик хавфи остида бўлган ва зўравонликка учраган аёлларни қўллаб-қувватлашда фуқаролик жамияти салоҳиятини кучайтириш*” лойиҳаси хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва давлат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш орқали бевосита Ўзбекистон ҳукуматининг мақсадларини ҳамда қонунларининг самарали амалга оширилишини қўллаб-қувватлайди.

**Қўшимча маълумот олиш учун, боғланинг:**

**Исми:** Джаббарова Шахноза - Actedнинг Лойиҳалар координатори.

**Телефон:** + 998 (97) 265-22-82 **Электрон почта:** [shakhnoza.djabbarova@acted.org](mailto:shakhnoza.djabbarova@acted.org)

**Франция тараққиёт агентлиги (ФТА)** бутун дунё бўйлаб Барқарор ривожланиш мақсадларини қўллаб-қувватлашга қаратилган 4200 дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштириб келмоқда, жумладан иқлим ўзгариши масалалари, биологик хилма-хиллик, тинчлик, таълим, шаҳарларни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва бошқарув масалалари.

**Швейцария Тараққиёт ва Ҳамкорлик Агентлиги (SDC)** Швейцариянинг халқаро ҳамкорлик саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиради, жумладан, ривожланиш фаолияти, гуманитар ёрдам ва Шарқий Европани қўллаб-қувватлашни амалга оширади. Ташкилотнинг асосий эътибори қашшоқликни камайтириш, иқтисодий ўзини-ўзи таъминлаш, ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

**Acted** халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти (Франция) бўлиб, 40 та давлатда фаолият юритиб, барқарор ўсишни таъминлаш ва жамиятларнинг имкониятларини кенгайтириш билан бирга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиб келади. Ўзбекистонда 1999 йилдан бери фаолият юритиб келиб, республикада Acted аёлларнинг иқтисодий имкониятларини

кенгайтириш, гендер тенглиги ва фуқаролик жамиятини мустақамлашга қаратилган ташаббуслари билан тан олинган.

Фарғона вилоятида 2007 йилда ташкил этилган **“Меҳржон”** нодавлат нотижорат ташкилоти хотин-қизлар ва болаларни таълим, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тарғибот-ташвиқот ишлари орқали уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва фуқаролик позициясини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Меҳржон тиббий маслаҳатлар, гендер тенглиги, қонунчилиги ва инсон ҳуқуқлари бўйича тренинглар ўтказиб, ҳамда Acted билан Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари ва фуқаролик жамияти имкониятларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар доирасида ҳамкорлик қилади.



**“Аёл ва Шодлик”** нодавлат нотижорат ташкилоти Сурхондарё вилоятидаги етакчи ташкилотлардан бўлиб, 2005 йилдан буён хотин-қизлар ва ёшларни тиббий, ҳуқуқий ва касб-ҳунарга ўқитишни қўллаб-қувватлаб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва хабардорлигини ошириш бўйича ишлаб келади. Acted билан хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш бўйича лойиҳаларда ҳамкорлик қилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар ва қизлар учун маслаҳатлар ва тикувчилик бўйича тренинглар ўтказиб аёлларни қўллаб-қувватлаб келади.